



ДАСУМ КАСБИЙ ТАЪЛИМДА



Методик қўланма

Эътиборингизга ҳавола этилган “DACUM касбий таълимда” номли методик қўлланма Европа Иттифоқи ТАСИСнинг Институционал Ривожланишдаги ҳамкорлик (ИРХ) Дастурининг “Иш билан банд бўлмаган аҳолини ўқитиш учун ўзбек коллежларининг инфратузилмалари ва салоҳиятини яхшилаш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида тузилди. Қўлланма касбий таълим мутахассислари учун мўлжалланган. DACUM-семинарлар ташкил қилмоқчи ёки ўтказмоқчи бўлган мутахассислар, касб таҳлилига КИРИШИШДАН ОЛДИН, албатта назарий ва амалий тренинглардан ўтишади. Мазкур қўлланма, авваламбор, ана шу тренинглар учун асосий манба бўлиб хизмат қилишга мўлжалланган. Шунингдек, қўлланма ўрта-махсус касб-хунар таълими тизими ходимлари ва ўқув дастурларини тузишда замонавий йўналишлар билан қизиқувчи ҳар бир мутахассис учун қизиқарли бўлиши мумкин.

Тузувчилар:

Нодир Рахимов – *dw international*нинг Марказий Осиёдаги Ваколатхонаси лойиҳалари координатори.

Баҳрам Фарши Джалали – MBM Guruhi консалтинг компанияси тренер-консультанти.

*dw international*нинг Марказий Осиёдаги Ваколатхонаси бошлиғи - Маттиас Клингенбергер ва

*dw international*нинг Марказий Осиёдаги Ваколатхонаси бошлиғининг ўринбосари - Елена Сабироваларнинг

Таҳрири остида

Алоҳида мақолаларнинг инглиз тилидан рус тилига таржимаси:
Дильдора Ходжиматованики

Дизайн:

Серик Пирматовники

Қўлланманинг рус тилидан ўзбек тилига таржимаси:

Қосим Юлдашевники

Кўпайтириш бўйича барча ҳуқуқлар *dw international*га тегишли. Кўчириш, қисман бўлган тақдирда ҳам, иқтибос қилинган манбани кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълими
Вазирлигининг ўрта-махсус касб-хунар таълими Маркази



Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий
ҳимоя қилиш Вазирлиги



ТОРГОВО-ПРОМЫШЛЕННАЯ
ПАЛАТА
УЗБЕКИСТАНА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси



Institut für Internationale Zusammenarbeit
des Deutschen Volkshochschul-Verbandes

Немис Халқ Университетлари Уюшмасининг Халқаро Ҳамкорлик
Институти Ваколатхонаси



«MBM» Guruhi Консалтинг компанияси



МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	4
DACUMга кириш.....	6
DACUM-семинарлар ташкил қилиш.....	10
DACUM-семинарлар ўтказиш.....	15
Касб Стандартини тузиш.....	36
Ўқув дастурини ишлаб чиқиш.....	40
Глоссарий (атамалар таржимаси).....	46



СЎЗ БОШИ:

Маълумки таълимнинг барча пағоналарида сифатли ўқитиш учун қулай шароитларни яратиш билан биргаликда сифатли ўқув дастурини тузиш ҳам муҳимдир. Гап катталарни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳақида кетганда мазкур омилнинг муҳимлиги янада ортади, чунки бу ерда ваҳтнинг чегараланганлиги, катта ёшдаги инсоннинг аввалги тажрибаси, унинг таълим талаби каби омиллар муҳим ўрин эгаллайди. Аниқки, катта ёшдаги инсонни ўқишга мажбур қилувчи омиллардан бири – бу турли сабабларга кўра доимий ҳаракатда бўлган меҳнат бозорида имкониятларнинг ўсишидир.

Меҳнат бозорини сифатга бўлган нозик талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурини тузиш мумкинми? Қандай қилиб катта ёшдаги инсонни ўқишга сарф қилаётган ваҳтини унинг манфаати учун ишлатиш мумкин? Бу каби саволлар лойиҳа доирасидаги фаолиятимизда кўплаб пайдо бўлар эди.

Бизнинг изланишларимиз юқоридаги саволларга жавоб беришга имкон берувчи DACUM усулига олиб келди. Касб таҳлилининг жараёни сифатида DACUMнинг ноёблиги шундаки у фаолиятнинг ёки касбнинг ҳар қандай вазифаларини битта икки кунлик жадал семинар давомида аниқлаб беради.

2004 йилдан бошлаб маскур услубни бир қатор семинарлар ва тренинглари ўтказиш орқали “Иш билан банд бўлмаган аҳолини Ўзбекистон Республикаси коллежларининг негизида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” лойиҳасида жорий қила бошладик. Эксперт сифатида Германия Федерал Касбий Таълим Институти мутахассиси жалб этилди.

Дастлаб, тренинглари танишув тусига эга бўлиб ундаги иштирокчилар касб-ҳунар коллежлар ўқитувчилари ушбу услуб афзалликлари тўғрисида, DACUM-семинарларни тайёрлаш ва ўтказишни ўзига ҳос жиҳатлари ҳақида маълумот олдилар. Кейинги бир қанча тренинглари ўқитувчиларга DACUM услуби бўйича ўқув дастурлари тузишни ўргатишга қаратилган эди. 2006 йилда биз асосий эътиборни ўқитувчиларда DACUM-семинарларни мустақил ўтказиш кўникмаларини ривожлантиришга ва мультипликаторларни тайёрлашга қаратдик.

Биз амалда DACUM услубини куйидаги афзалликлирига амин бўлдик:

- Ўқув дастурларини тузиш ва қайта ишлаш учун мустаҳкам асос яратади
- Ишлаб чиқаришдаги мутахассислар қиссасини ва иштирокини оширади
- Икки кунлик семинарнинг иш самараси бир неча ҳафтага тенгдир
- Асосий вазифаларни ёритиб беради
- Ўқув муассасинининг тижорат ва саноат корхоналари билан алоқасини оширади

Икки йил давомида DACUM услуби бўйича 14 ҳилдаги касб таҳлил қилинди ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Шунингдек MBM Guruhi консалтинг компанияси тренери иштирокида DACUM–семинарлар ўтказиш бўйича қўлланманинг биринчи варианты тузилди.

Кўлингиздаги қўлланма Европа Иттифоқи ТАСИСнинг Институционал Ривожланишдаги Ҳамкорлик (ИРХ) Дастурининг “Иш билан банд бўлмаган аҳолини ўқитиш учун ўзбек коллежлари инфратузилмалари ва имкониятларини яхшилаш” лойиҳаси доирасида тайёрланди. У DACUM услубини икки йил давомида *dvv international*нинг Марказий Осиёдаги Ваколатхонаси амалда қўллашда жамлаган тажрибасини ўз ичига олади ва DACUMнинг DACUM-семинарлар тайёрлаш ва ўтказишдан тортиб ўқув дастурларни тайёрлашгача бўлган бутун жараёнини акс эттиради.


Фурсатдан фойдаланиб, мен мазкур қўлланмани тайёрлашда бошқош бўлган ва ўз меҳнатларини аямаган инсонларга ўз миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман:

- Уве Гартеншлегер, мендан олдинги раҳбар, мазкур услубни *dvv international*нинг Марказий Осиёдаги Ваколатхонасининг амалий фаолиятига киритиш ташаббускори;
- Михаел Вихерт, Германия Касбий Ўқитиш Федерал Институти (BIBB) мутахассиси, бизнинг ўқув семинар ва тренинглариимизни олиб борган;
- Елена Сабирова, менинг ўринбосарим “DACUM касбий таълимда” қўлланманинг таҳрирчиси.
- Баҳрам Фарши Джалали, MBM Guruhi консалтинг компанияси тренер-консультанти, Германия Федерал Касбий Таълим Институти тренери ёрдамчиси, кўплаб DACUM семинарлар услубчиси;
- Нодир Рахимов, *dvv international*нинг Марказий Осиёдаги Ваколатхонасининг лойиҳалар координатори, DACUM услубини тадбиқ қилиш жараёнида мониторинг ва баҳолашини олиб борган;
- Бизнинг лойиҳамиз иштирокчиси бўлган касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари;

Қўлланмани чоп этишга икки киши тайёрлаган бўлса ҳам, у бизнинг кўплаб ҳамкорларимиз фикр-мулоҳазалари ва тажрибаларини ўзида мужассам этган.

Биз мазкур қўлланма нафақат катталарни ўқитиш соҳасидаги мутахассисларгагина балки таълим тизимидаги бошқа экспертларга ҳам фойдали бўлади деб умид қиламиз.

Маттиас Клингенберг,
*dvv international*нинг
Марказий Осиёдаги Ваколатхонаси бошлиғи



DACUMга КИРИШ

Қўлланманинг мазкур қисмини DACUM услуги бўйича машҳур эксперт Роберт Е. Нортоннинг “Ўқув дастурларни тузишда тематик хатоларга йўл қўймаслик” номли мақоласига мурожаат қилишдан бошлашга қарор қилдик:

Талабанинг ёки стажёрларнинг алдашни истармидингиз? Компаниянинг алдашни истармидингиз? Солиқ тўловчи дўстларнинг алдашни истармидингиз?

Албатта, бу саволларга Сиз “Йўқ” деб жавоб қилган бўлар эдингиз. Аммо тематик хатоларга йўл қўймаслик учун Сиз қуйидагини қиласиз:

Сиз ўзингиздан: “Тематик хатолар нима ўзи?” - деб сўрайсиз.

Сиз огоҳ ва эҳтиёт бўлишингиз керак бўлган икки хил тематик хато бор:

- Биринчиси ва энг жиддийси – бу саноат ва реал дунёнинг муҳим эҳтиёжларидан ортда қолмасликка ўргатишга (ўқитишга) қодир эмаслигингиз.
- Иккинчиси – бу биринчисининг акси, янада жиддийси – ўргатмаслик керак бўлган нарсани ўргатиш”.

Шунингдек, Роберт Нортон ўз мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: “Керак бўлмаган ва муҳим бўлмаган нарсаларга ўргатиш (хатонинг иккинчи хили) эскирган дарсликлардан, маълумотларга таянган ўқитиш курсларидан, машғулот режаларидан, жиҳозлардан, ускуналардан, буюмлардан ва кўргазмали қуроллардан фойдаланишдан келиб чиқади. Бу вазият эски мазмундан воз кечмаган ҳолда вазифа ва қобилиятни дастурга киритилгандан келиб чиқади. Бу ўқитувчи ва инструкторлар ўз иш соҳасидаги янгиликлардан ортда қолганда ва эскирган услублар ва технологияларни қўлаганидан келиб чиқади. Бу, янги ускуна ва жиҳозлар ҳаддан зиёд қиммат бўлганлиги ва уларни сотиб олиш учун керакли маблағлар йўклиги сабабли, эскирганларидан фойдаланганда рўй беради.

Муҳим бўлмаган нарсаларга ўргатиш студентларнинг бошқа муҳимроқ нарсаларга сарф қилиши мумкин бўлган қимматли вақтини ола-

ди. Шунингдек, бой берилган ўқув вақти ва манбалар ишчи ёки стажёрни қўшимча узоқроқ вақт ўқишига, иш берувчи учун харажатларни ортишига ва ўқишни аҳамиятини йўқолишига олиб келади, боз устига солиқ тўловчиларнинг пуллари ҳам ҳавога совурилади.

Бу каби тематик хатолар бор экан биз глобал, рақобатбардош иқтисодиёт учун керак бўлган юқори сифатли техник-касбий ёки мақсадли ва унумли ўқитиш дастурларига эга бўлолмаймиз.”¹

Ўқув дастурдаги тематик хатолар қандай содир бўлади?

Афсуски улар кўпроқ, (a) ўзимиз яхшироқ билган, (b) бизга ўргатилган, (c) ўзимиз ўқитишни ёқтирган, (d) тажрибамиздан ўтган, (e) дарсликларга киритилган, (f) бошқа жойда бир шахснинг касб таҳлилидан келиб чиққан ўқитиш тавсияларидан, ёки (g) бизнинг эски (3-5 йилги) касб таҳлилимизга киритилган нарсаларни ўргатмоқчи бўлганимизда рўй беради.

Нимани ўргатиш керак деган савол пухта тадқиқот қилинмаганда ва унга тўғри жавоб берилмаган ҳолларда ҳам тематик хатолар рўй беради. Бу хатолар ўқувчиларга, уларнинг жамоасига ва иш берувчиларига таъсир қилиши нуқтаи назаридан қаралганда яна ҳам жиддийдир. Одатда бирданига икки ёки ундан кўпроқ хатолар рўй бериб муаммони янада чигаллаштиради.

Бизнинг фикримизча бу хатолар DACUM услубини қўллаш орқали бартараф қилиниши ёки ҳеч бўлмаганда талайгина камайтирилиши мумкин.

DACUM инглизча “Developing A Curriculum” сўзларининг аббревиатураси (“Ўқув Дастурини Ишлаб чиқиш” деб таржима қилинади). У 1966 йилда касбга ўқитишни баҳолашни янги жараёни билан бирлаштирилган ўқув режаларини тузишдаги янги муносабат сифатида ишлаб чиқилди. Аввал бошидан у Канада ишчи кучи ва иммиграция департаменти қошидаги тажрибавий лойиҳалар бўлими ва Айова штатининг Клинтон шаҳрида олиб борилаётган “Аёллар иши корпорацияси” дастурини техник бошқарувини ўз зиммасига олган Нью-Йорк шаҳрининг Асосий ўқитиш корпорацияси билан биргаликда тузилган эди. Клинтондаги янги бошланган ишлардан бири, студентларни ўқув дастурларни тузиш ва мақсадга эришишни режалаштиришдаги иштирокини яхшилаш оладиган, ўқув дастурини тузиш бўйича қўлланма яратитиш эди. Натижада ўқув режасининг жадвал шаклидаги график тақдимоти вужудга келди. Илк изланишлар натижасида Канадага хос касб учун келажакда қўллашга намуна бўла оладиган тажрибавий DACUM ишлаб чиқилди. У NewStart Corporations компанияси томонидан 1968 йили режалаштириш босқичида жорий қилинди.

Бу гоё Nova Scotia NewStart Inc. компанияси томонидан ўзлаштирилган эди, чунки бир неча бор ўқув дастурларни тузишда янгича ёндашиш зарурияти пайдо бўлган эди. NewStart компаниясининг эҳтиёжига кўра, ижтимоий ҳимоя қилинмаган катталарнинг талабларига зудлик билан жавоб бериш керак эди. Ўз навбатида бу ҳар қандай ўқув дастурини режалаштиришда ва уни ўқув режа шаклида аниқлашда кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни қилишни талаб қилар эди.²

¹ Robert E. Norton, DACUM HANDBOOK , Second Edition, 1997

² Р.Е. Адамс. DACUM: Подходы к изучению учебного плана и оценка профессионального обучения, город Оттава, Канада, 1975 год, стр. 23.

Ўзининг 50 йиллик даврида бу услуб касбларни турли даражада таҳлил қилишда: касбий, бошқарув, техник фаолият, шунингдек юқори ва ўрта малака талаб қилувчи фаолиятларда самарали қўлланилди.

DACUM услуги Америка Қўшма Штатларида, Канадада, Австралияда, Германияда, Нидерландияда, Швеция, Филиппинда, Японияда, Кореяда, Хитойда, Исроилда, Саудия Арабистонида ва дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларда кенг қўлланилади.

DACUM учта мантиқий шартларга асосланган:

1. Мутахассис – экспертлар ўз ишлари/касблари ўзига ҳос жиҳатларини бошқаларга қараганда мукамалроқ тасвирлаб ва аниқлаб берадилар. Касблари бўйича ишловчи штатдаги ходимлар мазкур мутахассисликнинг энг яхши экспертларидир. Техник раҳбарлар ва маъмурият ходимлари қўл остидагиларининг вазифалари ҳақида кўп нарса билсалар ҳам, касб таҳлилини юқори сифатда олиб бориш учун уларда тажриба етишмайди.
2. Мутахассислик/касбни тасвирлашнинг энг самарали йўли – бу профессионал-экспертлар бажарадиган вазифа (операция)ни аниқ таърифлаб бериш. Тажрибали ходим иш берувчи талаб қилган вазифаларни бажаради. Фақтгина билим ва ишга бўлган ижобий муносабатнинг ўзигина камлик қилади. Демак, мутахассис-экспертлар (боз устига энг яхшилари)нинг билим ва кўникмаларни аниқлаш турли жабхаларда бошқа эксперт ёки мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.
3. Берилган вазифани тўғри бажариш учун мутахассисдан барча билим, малака, тажриба, ускуналарни ва ишга бўлган тегишлича муносабатни қўллашнинг талаб қилинади.

Ходимларни муваффақиятли бўлишига иш берувчининг вазифалари эмас, ходимларнинг билим, кўникма, ускуналар ва ўз хатти-харакатлари ёрдам беради. Семинар давомида DACUM мутахассиснинг шу тўрт хислатига катта эътибор қаратади.

Ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган DACUM касбни ёки ишни таҳлил қилишдаги энг ноёб, янги ва самарали услуб деб саналади. DACUMни сўров, кузатув ва касб таҳлилининг бошқа анъанавий ёндашишлар билан солиштирганда унинг ноёблиги шундаки, у ҳар қандай фаолият ёки касбнинг вазифасини DACUM-фасилитатор ва ўрганилаётган мутахассисликнинг профессионаллар гуруҳи (бундан кейин “Эксперт гуруҳи”) иштирокидаги шиддатли икки кунлик семинарда аниқлаб беради. Эксперт гуруҳи таркибига корхоналарнинг мутахассис-амалиётчилари ва ишлаб чиқариш амалиётини ўргатувчи мураббийлар киради.

Жаҳон амалиётида DACUM услубининг қуйидаги афзалликлари қайд қилинган:

- Гуруҳ диалоги (сухбати) ташкил қилинади – яъни гуруҳ аъзолари муҳокамага қўйилган таклифлар юзасидан фикр ва мулоҳазалари билан эркин ўртоқлашадилар.
- “Ақлий хужум” усулини имкониятлари тўла ишлатилади – иш ва вазифалар доирасини аниқлаш учун услуб бир неча бор қўлланилади.
- Гуруҳий синергия қўлланилади – бунда моҳирлик билан бошқарилаётган гуруҳ аъзолари бир бирларини юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга (бу вазиятда ўқув дастур) ундайдилар ва илҳомлантирадилар.

- Гуруҳий яқдилликка (консенсус) эришилади – бунда гуруҳ аъзолари DACUM-фасилитатор раҳбарлигида ҳар бир иштирокчи таклифини баҳолайди ва умумий яқдилликга эришилгунга қадар уни мукаммаллаштирадilar.
- Келажакка йўналтириш сақланади – келажакда касбнинг тавсифини ўзгаришига таъсир қилиши мумкин бўлган кутилаётган тамойил ва эҳтиёжларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади.
- Мукаммал ва тўлиқ натижага эришилади – 5-12 амалиётчи экспертлар малакали фасилитатор раҳбарлигида ишлайдилар. Иш ва вазифалар кўлами одатда муносиб умумий билимлар ва кўникмалар, хатти-ҳаракатлар, асбоб ва ускуналар, шунингдек кутилаётган тамойил ва эҳтиёжлар билан биргаликда аниқланади.
- Юқори сифат – бу юқорида айтиб ўтилган омиллар муштараклиги ва унга қўшимча сифатида ҳар бир иштирокчининг чиқишини бошқа иштирокчилар баҳолашининг оқибатида юзага келади. Сифатни ошириш мақсадида таърифларга тузатишлар киритилади.
- Камчиқимлик - юқори самарали муолажа қўлланганлик оқибатида DACUM-анализ икки кунда ўтказилади ва умумий харажатлар камаяди, бошқа услубларни қўллаганда эса 25-30 кун керак бўлади.

Касб-ҳунар ўқув юртлири учун қўшимча афзаллиги – бу DACUMни қўллайдиган иш берувчилар, бошқа ўқув юртлири ёки ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда DACUMнинг фойдалигидир. Одатда иш берувчилар DACUMни аҳамияти ва жараёнини тушуниб етганда, ўқув юрти ҳақиқатда ҳам уларга мазкур соҳа ходимларининг имкониятларини аниқлашда ёрдам бермоқчи бўлганини англаганда лол қолишади.

DACUMни қўллашда фақат ўқув юрти манфаатдор десак нотўғри бўлар эди. Ҳаммага маълумки инсонлар иқтидорларини ривожлантиришга мажбур бўлаётган корхона ва ташкилотлар мавжуддир. Корхоналар янги ўқитиш дастурларини тезроқ ва самарали ишлаб чиқишлари керак. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва сифат мақсадларига мос бўлиш учун зарур малака ва иқтидор фақат ишга ва жараёнга боғлиқ бўлиши керак. Шунинг учун кўплаб корхоналар DACUMни касб ва фаолият таҳлили учун ўқув дастурлари, лавозим йўриқномаларини тузишда, мансаб поғонасини оширишни ташкил қилиш ва режалашда, лавозим ўзгаришларида қўллайдилар. Ҳозирги вақтда кўплаб компаниялар иш жараёни ва тизимни таҳлил қилганда одатдагидек иш кўлами ва вазифаларни аниқлаш ўрнига мазкур услубни ўз йўналишларига мослаштирган ҳолда муваффақиятли қўлламоқдалар.

DACUM ўқувчини "ҳаётини" ҳам енгиллаштиради, чунки у ўқиш давомида ишга жойлашишига ёки мансаб поғонасида ўсишига ёрдам берадиган билим ва кўникмаларни олишига ишонади.

Ушбу қўлланманинг кейинги бўлимлари DACUM-семинарларини ташкил қилиш ва ўтказишни ўзига ҳосликлари ва, албатта, мазкур услуб асосида ўқув дастурлар тузиш қоидалари ҳақида маълумот олмоқчи бўлганларга бағишланган.

Энг яхши тилаклар билан,
Нодир Рахимов ва Баҳрам Фарши Джалали,
мазкур қўлланма тузувчилари